IMPACT FACTOR (RESEARCH BIB) – 7,245
MAXSUS SON . VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ҲАМКОРЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Muallif	**Қосимова Манзура Абдуллаевна**
O'qish yoki ish joyi	**Бухоро давлат университети, мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси**
Qabul qilindi	**24.09.2023**
Nashr qilindi	**29.09.2023**

Аннотация

мақоладабугунги кунда жаҳон миқёсида таълим жараёнида педагогик ҳамкорлик соҳасидаги изланишларга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, замонавий таълим жараёни, унинг ўзига хос имкониятлари, таълим сифатини оширишда ҳамкорликда ўқитиш таълим технологиясидан фойдаланишнинг афзалликлари, мазкур жараённинг ўзига хос хусусиятлари, ўқувчиларни фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи интерфаол усулларнинг тўғри танланиши, ҳамкорликдаги педагогик тизимда ўқувчиларни тарбиялаш, дўстона муносабатларни таркиб топтириш имкониятлари очиб берилган ҳамда тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар

замонавий таълим, ҳамкорликда ўқитиш, педагогик ҳамкорлик, ҳамкорлик принциплари, дидактик мажмуа, педагогик-психологик ташхислаш, шахсга йўналтирилган ёндашув, ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлиги, ҳамкорликдаги педагогик муҳит.

Аннотация

В статье особое внимание уделяется исследованиям в области педагогического сотрудничества в образовательном процессе в современном мировом масштабе, современному образовательному процессу, его уникальным возможностям, преимуществам использования образовательной технологии кооперативного обучения в повышении качества обучения.образования, особенности этого процесса, правильный выбор интерактивных методов, активизирующих и развивающих учащихся, сотрудничество. Раскрываются возможности воспитания учащихся, формирования дружеских отношений в педагогической системе и даются рекомендации.

Ключевые слова

современное образование, кооперативное обучение, педагогическое сотрудничество, принципы сотрудничества, дидактический комплекс, педагогико-психологическая диагностика, личностно-ориентированный подход, сотрудничество учителя и ученика, кооперативная педагогическая среда.

Abstract

In the article, special attention is paid to researches in the field of pedagogical cooperation in the educational process on a global scale today, the modern educational process, its unique possibilities, the advantages of using the educational technology of cooperative teaching in improving the quality of education, the specific features of this process, the correct selection of interactive methods that activate and develop students, cooperative Possibilities of educating students, forming friendly relations in the pedagogical system are revealed and recommendations are given.

Key words
modern education, cooperative teaching, pedagogical cooperation, principles of cooperation, didactic complex, pedagogical-psychological diagnosis, person-oriented approach, teacher-pupil cooperation, cooperative pedagogical environment.

Жаҳондаташлимбарқарортараққиётнитаъминлайдиганасосийомилсифатидаэътирофэтилиб, халқароташкилотларҳамдадун ёнингаксариятмамлакатларитомонидан2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “билимнинг мустаҳкам пойдеворига эга бўлиш, ижодий ва танқидий фикрлашни ривожлантириш, ҳамкорлик қобилиятлари ва қизиқишларини кучайтириш”[1] долзарб вазифа сифатида қайд этилган. Бу эса таълим тизимида, жумладан бошланғич таълимда ўқитишнинг илғор технологияларидан фойдаланиш имкониятларининг кенгайишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида таълим жараёнида педагогик ҳамкорлик соҳасидаги изланишларга алоҳида эътибор қаратилиб, ўқувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мақсадга йўналтирилган ҳамкорликда ўқитиш фаолиятни амалга оширишга доир илмий тадқиқотларга эътибор қаратилган. Бундай ёндашув шахсга йўналтирилган таълим стратегияси талаблари асосида бошланғич синфлардан бошлаб ўқувчиларда шахсий ва ҳаётий кўникмаларни шакллантиришни назарда тутувчи таълим-тарбиянинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш, ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорлигига асосланган таълим жараёнини ташкил этишни янада ривожлантириш, бошланғич таълим жараёнида ҳамкорликда ўқитиш таълим муҳитини шакллантириш методикасини такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон таълим тизимида умумумий ўрта таълимнинг сифатини ошириш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишдаги кенг қамровли ислоҳотлар натижасида бошланғич таълимда сифатли таълим хизматлари самарадорлигини ошириш, шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув шароитида онгли яшашга қодир шахсни камол топтириш ва ривожлантиришни таъминловчи имкониятлар салмоғи кенгайди. Шу билан бир қаторда бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмини такомиллаштирган ҳолда амалиётга жорий этиш зарурати кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарорининг мақсади ҳам умумий ўрта таълим тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда илм-фан ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ҳолда ташкил этиш, маънавий баркамол ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат[2].

[1] Incheon declaration/ Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). - 6 p. 26.P.

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарор

Юқорида кўрсатилган талаблар ижросини тўлиқ таъминлаш ва белгиланган мақсадларга эришишни кафолатлаш ҳар бир маҳоратли ва компетентли ўқитувчи зиммасига улкан маъсулият юклайди. Ўқувчиларга таълим ва тарбия беришда замонавий таълим ёндашувларига асосланиш, ўқувчига дўстона муносабатдаги муҳитни яратишга йўналтирилган педагогик жараённинг яхлит манзараси сифатида ўқитувчининг педагогик-психологик билимдонлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчининг технологик маҳорати эса ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорликка асосланган фаолиятларини ташхислай олиши, ташкилотчилиги, лойиҳачилиги, мулоқотга киришувчанлиги, шунингдек, ўқувчи шахсининг ривожланиши учун зарур бўлган вазиятларни ташкил эта олишида намоён бўлади. Таълим ва тарбияда ҳамкорликни ривожлантириш орқали ўқувчиларга билим бериш натижасида улар ҳар бир фан бўйича қўйилган малака талабларини эгаллаш, фанга оид хусусий ва таянч компетенцияларни ўзлаштириб олиш имкониятларига эга бўладилар. Дарс жараёнларида кўпинча ўқувчилар қўйилган мақсадларга эришиш йўлида ҳамкорликда ишлашга ундаладилар. Ҳамкорлик жамоа бўлиб ишлашни, яъни бир ёки ундан кўп инсонлар билан мақсадларни белгилаб олиш ва уларга биргаликда эришишни талаб этади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳамкорлик ўқувчиларга ўзлаштиришда муваффаққиятга эришиш имкониятларини яратиб беради. Чунки, ушбу услуб орқали ўқувчилар саволлар билан мурожаат қилишлари, фикрлар хусусида баҳс юритишлари, ечимларни қидиришлари, теран фикрлашлари ҳамда дарс мавзусини чуқурроқ тушинишга эришишлари мумкин. Шунингдек, навбат билан ҳаракат қилиш, ўртоқлашиш, бошқаларга кўмаклашиш ҳамда бошқаларнинг ёрдамини қабул қилиш каби кўникмаларни айнан ҳамкорлик услуби орқали шакллантириш мумкин.Таълим-тарбия жараёни ҳамкорликда ўқитиш асосида ташкил этилганда ўқувчилар ўз кўникмаларини яхшироқ шакллантиришга эришадилар, ҳар бир мавзуни ўзлаштириш мақсадида танланган усул ва воситалардан самарали фойдаланиб, уни амалиётнинг муҳим таркибий қисмларида тадбиқ этиш орқали амалга оширадилар.

Умумий ўрта таълимда ўқув-билув жараёнини ҳамкорлик асосида ташкил этиш ва ривожлантиришДавлат таълим стандартининг қуйидаги асосий принципларга ҳам асосланади[3]:

-ўқувчишахси, унингинтилишлари, қобилиятивақизиқишлариустуворлиги;

-умумийўртатаълиммазмунинингинсонпарварлиги;

-давлаттаълимстандартинингтаълимсоҳасидагидавлатважамиятталабларига, шахсэҳтиёжигамослиги;

-умумийўртатаълимнингмазмуни, шакли, воситалариваусулларинитанлашда инновация технологияларигаасосланилганлиги;

-ўқувчилардафанларниўрганишватаълимолишнидавомэттиришучунтаянчвафанларгаоидумумийкомпетенцияларнириворжлантиришнингтаъминланганлиги;

-ривожланганхорижиймамлакатларнингтаълимсоҳасидамеъёрларнибелгилаштажрибасиданмиллийхусусиятларниҳисобгаолганҳолдафойдаланиш.

[3] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарор

Таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда бошланғич синфлардан бошлаб қуйидаги:

-Коммуникатив компетенция
-Ахборотларбиланишлашкомпетенцияси
-Ўзиниўзиривожлантиришкомпетенцияси
-Ижтимоийфаолфуқароликкомпетенцияси
-Миллий ва умуммаданий компетенция
-Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш каби таянч компетенциялар умумтаълим фанлари орқали ўқувчиларда шакллантирилади.

Ҳамкорлик жараёнини ташкил этишга хизмат қиладиган инновацион усуллар қуйидаги хусусиятларга эга:

- ўқувчилар биргаликда, умумий топшириқ ёки ўргатилаётган фаолият устида мустақил ва эркин ҳамкорликда ишлаш имкониятига эга бўладилар;
- ҳамкорликка асосланган гуруҳли иш ёрдамида ўқувчиларнинг янги билимларни ўзлаштириш имкониятлари кенгаяди;
- ўқувчилар ҳамкорликда ўқув топшириқларининг ечимини излаш билимларни ўзлаштиришга асосланган фаолиятни амалга оширадилар, синф жамоаси томонидан қабул қилинган тартиб қоидаларга риоя қиладилар, ўқувчиларнинг ҳамкорликда ишлашларига шароит яратилади.

Ҳамкорликдаги таълим қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

- ўқувчиларда янги билимларни ўзлаштириш кўлами кенгаяди;
- ҳамкорликда ўзлаштирилган когнитив ахборотлар тўплами яратилади;
- ўқувчиларда ўзлик туйғусининг фаоллашуви натижасида ўқув материалларини ўрганишга бўлган иштиёқ кучаяди;
- ўқувчиларнинг ўз шахсий нуқтаи назарлари ва дунёқарашларини шакллантириш имкониятлари кенгаяди;
- ҳамкорликдаги фаолият ўзаро дўстлик, ўртоқлик, бир-бирларига кўмаклашиш, ҳамдардлик муҳитини вужудга келтиради;
- ўқувчилар орасида янгича муомала, мулоқот ва муносабатлар маданияти таркиб топади.

Педагогик ҳамкорликнинг асосий йўналишлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- ўқувчи шахсини ҳар томонлама ўрганиш, унинг имкониятларини таҳлил этиш ва баҳолаш;
- ўқувчилар шахсига инсоний ёндашиш орқали уларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;
- мактаб ва синфда ўзаро ҳамкорликка асосланган дўстона муҳитни шакллантириш;
- ўқувчи-ўқитувчи, ўқувчи-ўқувчи ҳамкорлигини таркиб топтириш;
- ўқитувчининг касбий маҳорати, интеллектуал, маънавий-маданий салоҳиятини ривожлантириш;
- ўқув жараёнида кўтаринки ҳиссий ҳолат, педагогик-психологик муҳитни вужудга келтириш;
- ўқувчилар билимини ҳамкорликда баҳолаш, уларни биргаликда рағбатлантиришнинг эркин

тизимини яратиш кабилар.

Ҳамкорликка асосланган ўқув жараёнига илғор педагогик технологияларни тадбиқ этиш алоҳида дидактик аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, ўқув жараёнига тизимли ёндашиш имконини беради. Ўқув вазиятини лойиҳалаштириш асосида ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш, таълим жараёнида кафолатланган натижага эришиш мақсадида уни ўқувчи шахсига йўналтиришдан иборат. Ҳамкорликдаги ўқув жараёнини замонавий педагогик технологиялар ёрдамида ташкил этиш учун ўқув предметини педагогик технологиялар ёрдамида ўқитиш модели ва ўқув-билув жараёнининг технологик харитаси ишлаб чиқилиши лозим.Ўқув жараёнида кафолатланган натижага эришилганлигини аниқлаш учун ўқитувчи таълим натижасининг сифатини объектив баҳолаш имкониятига эга бўлиши керак. Шундагина ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини амалга ошириш мумкин.

Ҳамкорликка асосланган таълим-тарбия жараёнида дарс мақсадлариўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятига асосланган ҳолда белгиланади, бу эса таълим-тарбия жараёнида юқори натижага эришишни кафолатлайди, ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ўқув ҳаракатларини аниқ баҳолаш имкониятини яратади.

XXI асрга хос ҳамкорлик асосида ўқитиш ва таълим олишнинг замонавий усули ўқувчиларни юқори даражадаги фикрлаш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга хизмат қилади. Уларни фикрлаш чегарасидан ташқарига чиқишга, ижодий, самарали ва одобли фикрлашга ундайди. Бинобарин, мазкур муаммоларнинг ҳар бирини қамраб олувчи мавзулар, кўрсатмалар, синф хона муҳити, баҳолаш механизми ва техник қўлланмалардан фойдаланиш каби масалаларда турли хил ёндашувларга асосланилган ҳолда кафолатланган натижани таъминлаш, кўзланган мақсадга эришишни назарда тутади. Ўқувчиларда:

- кўп қиррали, мураккаб вазифаларни амалга оширишга ўрганиш;
- ҳар бир муаммо хусусида чуқур фикрлаш ва ўз билимини ошириб боришни бошқара олиш;
- ўз тенгдошлари, ўқитувчилар ва мутахассислар билан чуқур мулоҳазани талаб этувчи муҳим вазифаларни бажаришда ҳамкорлик қила олиш;
- қарорлар қабул қилиш, муаммоларни ҳал этиш ва янги фикрлар яратишда технологиялардан фойдалана олиш каби компетенцияларни шаклланишига кўмаклашади.

Натижада ўқувчиларда:масъулият ва мослашувчанлик, мулоқот қилиш, ижодийлик ва қизиқувчанлик, танқидий фикрлаш ва тизимли фикрлаш, ахборот ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, шахслараро ва ҳамкорлик, муаммоларни аниқлаш, шаклга солиш ва ечимини топиш, ўз-ўзини йўналтириш, ижтимоий масъулият каби ҳаётий кўникмалар шакллана боради.

Қуйида ўқитувчиларнинг ҳамкорликдаги ўқув жараёнини ташкил этишга оид билим, кўникма, малака ва маҳоратларининг самарадорлик даражасини аниқлаш ва ўқувчиларнинг ҳамкорликка кириша олиш кўникмаларини баҳолашга асосланган бир қатор мезонлар келтирилган.

Ўқитувчиларнинг ҳамкорликдаги ўқув жараёнини ташкил этиш маҳоратларини аниқлаш ва баҳолаш кўрсаткичлари

№	Мезонлар	ҳим	Баъзи да	Қисман	Умуман йўқ	Изоҳ

№	Мезонлар	...ким	Баъзида	Қисман	Умуманйўқ	Изоҳ
1	Ҳамкорлик педагогикасининг назарий асослари ва тамойилларини билишлари					
2	Ўқувчиларни ҳамкорликка чорлайдиган иш усул ва методларидан фойдалана олишлари					
3	Ҳамкорликдаги таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўзаро мослашишларини таъминлай олишлари					
4	Гуруҳда умумий ўқув топшириғининг берилишини таъминлай олишлари					
5	Топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал вазифаларини аниқлай олишлари					
6	Вазифаларни тақсимлашда ўқувчилар фикрига таяна олишлари					
7	Гуруҳли иш жараёнида ўқувчилар билан ҳамкорлик ўрната олишлари					
8	Ўқувчиларнинг ўзлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишларини таъминлашлари					
9	Ҳамкорликка асосланган таълим жараёнини ташкил этишга қаратилган педагогик фаолиятларини таҳлил қилиб, такомиллаштира олишлари					
10	Ўқувчиларнинг ўзига хосликлари ва ҳамкорликка киришиш имкониятларини ҳисобга ола билишлари					
11	Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини ўзаро ҳамжиҳатликда билим олишга йўналтира олишлари					
12	Ҳамкорликка асосланган ўқув жараёни мазмунига инсонпарварлик тушунчаларини сингдирган ҳолда ўқувчиларнинг ҳаётий эҳтиёжлари асосида уларнинг ривожланишларини моделлаштира олишлари					
13	Таълим мазмуни, ўқитиш методикаси ва технологияларига киритилган янги ўқув элементларини назарий-дидактик жиҳатдан асослаб бера олишлари					

№	Мезонлар	ɔим	Баъзи да	Қисман	Умумий	Изох
15	Ҳамкорликка асосланган таълим мақсадлари асосида ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришга эришаётганликлари					

Ўқувчиларининг ҳамкорликка кириша олиш кўникмалари даражасини аниқлаш ва баҳолаш кўрсаткичлари

	Мезонлар	Доим	Баъзида	Қисман	Умуман ўқ	Изох
1	Ўқувчилар синфдошлари ва ўқитувчилари билан ҳамкорликка кириша олишлари					
2	Гуруҳ аъзоларининг меҳнатига ўзлари баҳо бера олишла ри					
3	Гуруҳли иш натижаларини таҳлил қила олишлари					
4	Ўқув топшириқларини мустақил тарзда танлай олишлари					
5	Муайян топшириқ доирасида ўқитувчидан маслаҳат олган ҳолда мустақил изланиб, маълумот тўплай олишлари					
6	Ўзаро бир-бирларидан маслаҳат ола билишлари					
7	Муайян мавзу доирасидаги билимларини бир-бирларига тақдим эта олишлари					
8	Кучли ўзлаштирувчи ўқувчилар ўз билимларини ўртача ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларга ҳамкорлик асосида ўргата олишлари					
9	Ўқувчиларда жавобгарлик, масъулият ҳиссининг ортган бўлиши					
10	Синфдошлари ҳузурида ҳаяжонланмасдан, тортинмас дан ўз фикрини баён қила олишлари					
11	Зиддиятли вазиятларда тўғри йўл тута олишлари					
12	Ўз синфдошлари, гуруҳдошларини тушуниш, ўз манфа атларини синфдошлариники билан уйғунлаштира олиш кўникмасига эга бўлишлари					
15	Ўзларининг кучли ва заиф томонларини англаган ҳолда ўз фаолиятларига объектив баҳо бера олишлари					

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1.Ўз.Респ.В.Мнинг Қарори“Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 230-модда)*

2.Сафарова Р., Мусаев У.Қ., Мусаев П. ва бошқ. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари, уларни татбиқ этиш йўллари. –Т.: Фан, 2005. – 255 б.

3.Дилова Н.Ғ. Ҳамкорликка асосланган таълим // Бошланғич таълим. – Тошкент: 2011. – № 5. – Б.11 -12.

4.Дилова Н.Ғ. Возможности организации учебного процесса на основе педагогического сотрудничества // Молодой учёный. Научный журнал – Москва: 2012 №11 (46) С. 409-412

5.Дилова Н.Ғ. Бошланғич таълим жараёни субъектлари орасида ўзаро ҳамкорлик технологияси // Таълим ва технологиялари – Тошкент: 2016. – №6, (111) Б.11-14

WORDLY
KNOWLEDGE